


Олий таълимга

ОИД Халқаро ва

**минтақавий конвенциялар:
имкониятлар ва истиқболлар**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ОИД ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ КОНВЕНЦИЯЛАР: ИМКОНИЯТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
“ҲЕТАКШИ НАШРИЙОТИ”
2024

УЎК: 378:341.24(072)(075)

КБК: 74.58я7+66.4(0)

Я — 49

Якубов, Шухрат

Олий таълимга оид халқаро ва минтақавий конвенциялар: имкониятлар ва истиқболлар [Матн]: методик қўлланма / Ш.Якубов. – Т.: "Yetakchi nashriyoti", 2024. – 32 б.

ISBN 978-9910-9622-3-3

Мазкур методик қўлланмада ЮНЕСКО томонидан таълим тизими бўйича халқаро стандартларни шакллантириш мақсадида "Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисида"ги Глобал конвенциянинг моҳияти, аҳамияти ва истиқболлари таҳлил қилинган. ЮНЕСКО томонидан таклиф этилаётган ёндашувлар келажакка бефарқ бўлмаган ҳар бир мамлакат томонидан чуқур таҳлил қилиниши, олий таълимга оид стратегияларни белгилашда ҳисобга олиниши муҳим.

Қўлланмадан соҳага масъул раҳбарлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланиб келаётган изланувчилар фойдаланишлари мумкин.

Таҳрир ҳайъати:

Ш.Якубов, И.Зокиров, А.Амонов, Т.Ахмедов,
М.Хайитов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378:341.24(072)(075)

КБК: 74.58я7+66.4(0)

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2023 йил 25 сентябрдаги 5-сонли раёсат мажлиси баёни ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 29 сентябрдаги 438-сонли буйруғи асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9910-9622-3-3

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази, 2024 й.

КИРИШ

Глобаллашув жараёнлари олий таълимга ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда. Халқаро миқёсда олий таълим олиш имкониятларининг кенгайиб бориши, ривожланган давлатлардаги топ университетларга қизиқиш ва уларда таҳсил олиш истагининг кучайиши, жисмоний шахсларнинг олий таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш зарурати, халқаро даражада малакаларни тан олишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларида 235 миллиондан ортиқ талабалар таҳсил олаётган бўлса, уларнинг 6 миллионга яқини хорижий мамлакатларда ўқимоқда. Бу жиддий суратларда юксалиб бораётган тенденция бўлиб, 2000 йилларда бу кўрсаткич атиги икки миллионни ташкил қилган. Келгуси йилларда бу рақамлар янада ортиши прогност қилинмоқда. Шу билан бирга, жаҳонда олий таълим тизимининг минтақавий ҳамда глобал кесимларда интеграция жараёни амалга оширилаётганига ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Ушбу интеграция жараёни ўтган асрнинг ўрталарида бошланган бўлиб, асосан икки босқич билан характерланиб келмоқда. Биринчи босқичда чекланган маромда даражалар эквивалентлигини қайд этишга қаратилган конвенциялар пайдо бўлди. Бунда асосан ўқиш муддати, ўқув дастурларининг таркиби ва давомийлигини қиёслашга имкон берувчи умумий мезонлар ишлаб чиқишга урғу берилган. Бироқ ижтимоий, иқтисодий, маданий ва географик барьерлар туфайли ушбу мезонлар амалий фаолиятда кўзланган натижани бермади. 90-йилларда интернет тармоғининг пайдо бўлиши ҳамда академик ҳаракатчанликка тўсиқ бўлувчи географик, иқтисодий ҳамда маданий барьерлар залворининг пасайиши фонида янги минтақавий ҳамда глобал конвенциялар пайдо бўлиб, улар асосан касб компетенцияларига урғу бера бошлади. Иккинчи босқичга мансуб ушбу конвенцияларнинг баъзилари минтақавий олий таълим майдони яратиш (Лиссабон конвенцияси) жараёнида яратилган бўлса, бошқалари олий таълим тизимини минтақавий (Токио, Аддис, Буэнос-Айрес конвенциялари) ҳамда глобал (ЮНЕСКОнинг глобал конвенцияси) кесимда интеграция қилиш йўлидаги дастлабки одим сифатида майдонга келди. Ушбу конвенциялар орасида айримлари, масалан, Араб давлатлари конвенцияси ҳали амалий жиҳатдан ўз мевасини беришга улгурмаган бўлса, баъзилари, айниқса, Лиссабон конвенцияси олий таълим тарихида минтақавий кесимда

умумий олий таълим макромуҳитини яратиш йўлидаги муҳим қадам сифатида қолишга эришди. Шу билан бирга, минтақавий ҳамда глобал конвенциялар муайян муаммолар ва афзалликларни ўзида мужассамлаштирганини рад этиб бўлмайди. Шунинг учун олий таълим тизимида малакаларни тан олишга оид минтақавий ҳамда глобал конвенцияларини таҳлил қилиш, жумладан, уларнинг тарихий-тадрижий эволюцияси, ютуқ ва камчиликлари ҳамда потенциал иқтисодий, ижтимоий оқибатларини тарозига солиш тегишли соҳаларнинг мутахассислари олдида турган муҳим вазифалардан дейишимиз мумкин. Бу йўлда ушбу ихчам қўлланма илк қадамлардан бўлса ажаб эмас. Ушбу қўлланмада олий таълим интеграциясининг иккинчи босқичида яратилган минтақавий конвенциялар фаолиятига назар солиниб, асосий урғу Лиссабон конвенцияси, Болонья жараёнлари ҳамда ЮНЕСКОнинг олий таълимда малакаларни тан олиш бўйича глобал конвенциясига қаратилади. Лиссабон конвенцияси — Европада умумий олий таълим майдони бўлмиш **Европа олий таълим ҳудуди** яратилишида Болонья жараёнларининг таркибий қисми ўлароқ муҳим ўрин тутган. **Болонья жараёнлари** ва бу жараёнларда яратилган олий таълим майдонини таҳлил қилиш, бунда Лиссабон конвенциясининг ўрнини ўрганиш — ушбу жараёнларда иштирок этишнинг мамлакатимиз олий таълим тизимида ижобий ва салбий оқибатларини ўрганишда қўл келади. Шу билан бирга, ЮНЕСКОнинг олий таълимда малакаларни тан олиш бўйича глобал конвенцияси ҳам олий таълим соҳасидаги энг йирик лойиҳалардан бири сифатида таҳлил ҳамда тадқиқотга муҳтождир. ЮНЕСКО томонидан ушбу масаланинг халқаро стандартларини шакллантириш мақсадида “Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисида”ги Глобал Конвенциянинг қабул қилиниши олий таълим трансформацияда жуда катта қадам бўлди. Бу ёндашув келажакка бефарқ бўлмаган ҳар бир мамлакат томонидан чуқур таҳлил қилиниши, олий таълимга оид стратегияларни белгилашда ҳисобга олиниши зарур. Шу жиҳатдан ушбу Глобал Конвенцияни миллий ҳуқуқий амалиёт нуқтаи назаридан кўриб чиқиш, таҳлил қилиш, унинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш долзарб масала ҳисобланади. Ушбу қўлланма орқали биз “Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисида”ги Глобал Конвенциянинг ўзига хос жиҳатлари, уни Ўзбекистон томонидан ратификация қилиш заруратини ҳам тадқиқ қиламиз. Унда ушбу халқаро ҳужжатга қўшилиш давлатга, олий таълим тизимига қандай устунликлар беради, нимани ютамиз ва нимани ютқазишимиз мумкинлигини илмий прогноз қиламиз.

ГЛОБАЛ КОНВЕНЦИЯ ҲАҚИДА

Олий таълим тизимидаги малакаларни тан олиш бўйича глобал турли мамлакатлар ҳамда минтақалар ўртасидаги академик мобилликни соддалаштириш мақсадида 2019 йили ЮНЕСКО умумий конференциясининг 40-сессиясида қабул қилинган. Уни қабул қилишда дунёнинг турли бурчакларидан келган 250 дан ортиқ делегатлар иштирок этган. Делегатлар талабалар бир мамлакатдан бошқасига олий таълим олиш учун боришини соддалаштириш ҳамда улар эгаллаган малаканинг халқаро кучга эга бўлишини таъминлаш мақсадида умумий қоидалардан иборат бўлган йўриқнома устида музокара ўтказдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим тўғрисидаги глобал миқёсда юридик кучга эга бўлган илк ҳужжати ҳисобланади. У 2023 йили кучга кирди. Экспертлар Конвенция тўғрисида оптимистик фикр билдириб келмоқдалар, жумладан, ЮНЕСКОнинг директор ёрдамчиси, таълим соҳасида етакчи экспертлардан бўлмиш Стефания Гианнини Конвенцияни “талабалар мобиллиги ва университетлар ўртасидаги ҳамкорлик учун янги эранинг бошланиши”, деб атади.

Глобал Конвенция Европа Консуллиги ҳамда минтақавий тан олиш Конвенциялари, мисол учун, Лиссабон тан олиш Конвенцияси, Токио Осиё-Тинч ҳавзаси Конвенцияси (2011), Африка учун Аддис-Абеба Конвенцияси (2014), Лотин Америка ва Кариб минтақаси учун Буэнос-Айрес Конвенцияси (2019) билан яқин ҳамкорликда ижро этилади. Бунда олий таълим тизимидаги рақамлаштириш, тан олиш масалаларида глобал андозани яратиш заруриятига урғу берилган. Шунингдек, бунда миграция



масалалари ҳам эътибордан четда қолмаган. Халқаро миграция ҳисоботида биноан, 2017 йилда 258 миллиондан ортиқ шахслар хорижий мамлакатда яшаётган бўлиб, бу 2000 йилдаги статистикадан 49 фоизга юқоридир. Конвенция ЮНЕСКОнинг олий таълим тизимидаги дипломларни тан олишнинг универсал аҳамиятга эгалиги, даражалар эквивалентлиги масалаларининг долзарблигини ҳам кўздан қочирмаган. Трансчегаравий таълимни тан олиш соҳасида умумий йўналиш, ёндашув, механизм ва принципларни белгилаб беради. Жисмоний шахсларнинг олий таълимга оид малакаларини адолатли ва шаффоф тарзда, ҳеч қандай камситишларсиз тан олиниш ҳуқуқини кафолатлайди.

Глобал Конвенциянинг XVIII моддасига мувофиқ, олий таълимга оид малакаларни тан олиш ҳуқуқини ЮНЕСКОга 20 та аъзо давлатлар ратификация қилгандан сўнг кучга кириши белгиланган.

Глобал Конвенцияни 2022 йил 5 декабрда ЮНЕСКОга аъзо давлатлардан 20 таси ратификация қилди ва 2023 йил 5 мартда кучга кирди [4].

2023 йил 15 май ҳолатига кўра, ушбу Конвенцияни 22 та (Андорра, Австралия, Норвегия, Никарагуа, Эстония, Франция, Руминия, Тунис, Хорватия, Япония, Литва, Исландия, Арманистон, Кот-д'Ивуар, Куба, Фаластин, Кабо-Верде, Муқаддас Тахт, Швеция, Уругвай, Словакия, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги) давлат ратификация қилган.

Бунга қадар ЮНЕСКО томонидан олий таълимга оид 6 та минтақавий конвенция қабул қилинган бўлиб, 126 та давлат уларнинг айримларини ратификация қилган. Ўзбекистон ҳозирча уларга қўшилмаган.

КОНВЕНЦИЯНИНГ МАҚСАД ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Конвенция мақсадлари 1-бўлим, 2-моддада берилган бўлиб, улар қаторида олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш; олий таълим тизимида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун минтақалараро, сиёсий ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш; бутунжаҳон академик алмашинуви қўллаб-қувватлаш, иштирокчи давлатлар ўртасида малака тан олиш жараёнини жадаллаштириш, шунингдек, таълим тизими турлича бўлган иштирокчи давлатлар ўртасида таълимни мувофиқлаштириш; таълим тизимида адолатли, инклюзив, шаффоф, изчил механизмни яратиш; олий ўқув муассасаларининг мустақиллиги ва хилма-хиллигини ҳурмат қилиш кабилар таъкидланган. Айтиш мумкинки, Конвенция турли мамлакатлар таъ-

лим тизимини интеграция қилиш орқали глобал таълим майдони яратиш йўлидаги қадамлардан биридир. Конвенция мақсадлари умумий нуқтаи назардан шундай хулосалашимиз мумкин.

Конвенциянинг асосий тамойиллари 3-бўлим, 3-моддада берилган бўлиб, улардан бири “шахснинг олий таълим муассасасига кириш ҳамда ишлаш имкониятларидан фойдалана олиш учун ўз малакаси баҳоланишига эришиш ҳуқуқига эгаллиги” ҳамда малакаларни тан олиш шаффоф, адолатли, ўз вақтида, дискриминациядан холи тартибда аъзо томонларнинг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилиши” ҳисобланади. Буни кафолатлаш мақсадида мамлакатлар умумий мезон ва иш тартибларига мувофиқ равишда зарурий ахборотлар, тегишли тузилмалар ва керакли ҳужжатлар тақдим этиш имкони бўлмаган ҳолларда қўшимча имкониятлар билан таъминлаш масъулиятини зиммасига олишлари лозим.

Шунингдек, Конвенция давлатларнинг турли таълим тизимига оид тафовутлар малакани тан олиш жараёнида қабул қилинадиган қарорларда инобатга олиниши, фирибгарликка қарши курашда ҳамкорлик, аризачиларга рад жавоби берилган тақдирда, асослаб берилиши лозимлигини ўз тамойилларида акс эттирган.

КОНВЕНЦИЯГА ҚЎШИЛИШ, АЪЗО БЎЛИШ ҲАМДА РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Таъкидлаб ўтилганидек, Глобал Конвенция ЮНЕСКО ташаббуси билан олий таълим тизимини малакаларни тан олиш механизмини жорий қилиш орқали глобал миқёсда интеграция қилиш йўлида ишлаб чиқилган.

Глобал Конвенцияни ЮНЕСКОга аъзо барча давлатлар маҳаллий қонунчиликка биноан ратификация қилиши мумкин. Жумладан, Конвенциянинг 6-бўлим, 16-моддаси биринчи ва иккинчи бандларида бу қайд этиб ўтилган:

“Конституция ва миллий қонунчиликка асосланган ҳолда, ЮНЕСКОга аъзо давлатларда ушбу Конвенция ратификация қилинади ёки тасдиқланади. Ратификация қилиш ёки тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатлар ЮНЕСКО бош директорига сақлаш учун берилadi” (6-бўлим, 16-модда).

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, Глобал Конвенцияга қўшилган мамлакатлар минтақавий Конвенцияларга қўшилишга мажбур эмас. Бу Глобал Конвенцияда ҳам алоҳида қайд этиб ўтилган:

“Ушбу Конвенцияни тасдиқлаш, ратификация қилиш ёки унга қўшилишда минтақавий Конвенцияни ратификация қилиш, тас-

диқлаш ёки унга қўшилиш мажбурий эмас” (6-бўлим, 19-модда, 1-банд).

Глобал Конвенция фаолиятида иштирок этиш фақатгина ЮНЕСКО аъзолари билан чегараланиб қолмаган. Конвенцияга биноан, унинг фаолиятида БМТга аъзо ҳар қандай мамлакат иштирок этиши мумкин:

“Ушбу Конвенцияга ЮНЕСКОга аъзо бўлмаган аммо БМТга аъзо бўлган давлатлар қўшилишлари мумкин” (6-бўлим, 17-модда, 1-банд).

Қабул қилиш ҳамда ратификация қилиш инструменти давлат раҳбари, ҳукумат бошлиғи ёки ташқи ишлар вазири томонидан имзоланиши шарт.

Имзолангач, инструментнинг асл нусхаси мамлакатнинг ЮНЕСКОдаги муқим делегацияси томонидан ЮНЕСКОга топширилиши лозим.

“Қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжат ЮНЕСКО бош директорига сақлаш учун берилади” (6-бўлим, 17-модда, 3-банд).

Глобал Конвенция кучга кирган дақиқадан бошлаб аъзо томонлар унинг ижросини бошлашлари мумкин. ЮНЕСКО, шунингдек, Конвенциянинг ижросини муҳокама қилиб бориш мақсадида ҳукуматлараро конференция ўтказиб боради (15-модда).

Миллий ҳукуматлар Конвенцияни тан олиш билан боғлиқ қонунчилик масалаларига масъулдирлар. Кўплаб мамлакатларда таълим вазирлиги малакаларни тан олиш ва баҳолаш масалаларига бевосита ёки бошқа қўйи ташкилотга ваколат тақдим этиш орқали билвосита масъул ҳисобланади. Жумладан, 5-бўлим, 13-моддада шундай дейилган:

“Миллий матбуот марказлари ёки шунга ўхшаш муассасалар ёрдамида иштирокчи давлатлар ушбу Конвенциянинг ижросини таъминлашлари лозим. Ҳар бир иштирокчи давлат ҳукуматлараро Конвенция котибиятини ўзларининг миллий тузилмалари ва ундаги ўзгаришлар ҳақида маълумот бериб боришади” (5-бўлим, 13-модда).

Тан олишга масъул ташкилот вакиллари баҳолаш ишларини виждонан бажарган ҳолда, якуний қарорларга аниқ тартибда изоҳ беришлари лозим. Уларнинг қарорлари олий таълим тизимлари ва муассасаларига оид ишончли, тўғри ҳамда долзарб ахборотларга асосланиши керак.

“Ҳар бир иштирокчи давлат баҳолаш ва мезон бўйича ваколатли орган томонидан рад этилган ҳолатларда рад этилиш бўйича барча асосларни аризачига етказиши лозим” (4-бўлим, 9-модда, 3-банд).

5-бўлим, 20-моддага биноан, давлатлар конституцион тизими ёки унитар ёхуд федератив таркибга эгалигидан қатъи назар, бир хил маж-

буриятни зиммаларига олади. Федератив давлат таркибига кирувчи штатлар, вилоят ёхуд бошқа ҳудудий-сиёсий бирликлар маҳаллий қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда Конвенциядаги мажбуриятларни бажаришлари мумкин.

5-бўлим 21-моддага кўра, ҳар бир давлат исталган вақтда Конвенцияга аъзоликдан чиқиш ҳуқуқига эга. Аъзоликдан чиқиш ҳақидаги ёзма ҳужжат ЮНЕСКО директорига топширилганидан ўн икки ой ўтиб кучга киради. Бу орадаги аризалар Конвенция шартларига мувофиқ кўриб чиқилиши лозим.

КОНВЕНЦИЯГА БИНОАН ҲУКУМАТ ҲАМДА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

4-бўлимда Конвенцияга аъзо давлатларнинг мажбуриятлари акс этган. Олий таълимга кириш ҳуқуқини берувчи малакаларни тан олиш, олий таълим малакаларини тан олиш, тўлиқ бўлмаган ва олдинги таълимни тан олиш, баҳолаш ва тан олиш тартиби тўғрисида маълумот, аризани кўриб чиқиш, тан олиш бўйича масъул орган ҳақида маълумот бериш, олий таълим дастурларига ўқишга қабул қилиш учун қўшимча талабларни маълум қилиш кабилар иштирокчи ҳукуматларнинг мажбуриятлари сифатида қайд қилинган. Бунда эътиборга молик жиҳатларига қуйида тўхталамиз.

4-бўлимнинг 4-моддаси иккинчи бандига биноан аъзо мамлакатлар ноанъанавий шаклда олинган таълимни ҳам тан олишлари мақсадга мувофиқ.

“Ноанъанавий таълим усуллари орқали олинган малакаларни тан олишда иштирокчи давлатлар томонидан оддий малакани тан олишда фойдаланиладиган мезонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз” (4-бўлим, 4-модда, 2-банд).

Ноанъанавий таълим деганда, масофавий таълим шаклини тушунадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига биноан бундай малака турларини тан олиш бугунги кунда назарда тутилмаганлигини қайд этиш лозим. Шу билан бирга, ноанъанавий шаклда олинган таълим сифати, унинг мамлакатимиздаги таълим мезонларига жавоб бериш-бермаслиги ҳамда меҳнат бозорида вужудга келиши мумкин бўлган тебранишларни кўздан қочирмаслик керак. Айтиш жоизки, ноанъанавий таълим шакллари тан олиш Конвенцияда тавсиявий оҳангда таъкид этилган. Шу билан бирга, Конвенция маҳаллий таълим тизими ва уни тартибга солувчи қонунчиликни ҳам инобатга олиши белгиланган.

4-модда 3-бандга биноан: **“Агар иштирокчи давлат томонидан малака фақат маълум бир турдаги муассасалар ёки дастурларга кириш ҳуқуқини берадиган бўлса, қолган иштирокчи давлатларнинг мана шу муассасалар ва дастурлар бўйича тан олиниши лозим, бунда таълим тизимида сезиларли фарқ бўлмаслиги талаб этилади”** (4-бўлим, 4-модда, 3-банд).

Шундан хулоса қилиш мумкинки, мамлакат ўз таълим тизими имкониятларидан келиб чиқиб Конвенция фаолиятида иштирок этиши мумкин. Агар мамлакатда ноанъанавий таълим дастурлари мавжуд бўлмаса, бу ноанъанавий таълим натижасида қўлга киритилган малакаларни тан олмаслик ҳуқуқини беради.

5-моддада аъзо давлатларнинг малакаларни тан олишдаги мажбуриятлари белгилаб берилган. 5-модда 1-бандга биноан:

“Ҳар бир иштирокчи давлат олий таълим тизимида йўл очиш мақсадида малакаларни тан олади, агарда малакани тан олишда бошқа давлат таълим тизими билан сезиларли даражада фарқ тасдиқланса, иштирокчи давлатлар бу малакани баҳолашга имконият яратишлари зарур” (4-бўлим, 5-модда, 1-банд).

Ушбу бандни мамлакатлар малакаларни тан олиш жараёнида таълим тизимидаги тафовутларга дуч келишса, бундай малакалар қиёсий ўрганилиб, мукамалроқ тизимга эга давлат, ҳамкор томонга керакли ўзгартиришларни амалга ошириш учун имконият бериши лозим, деб шарҳлаш мумкин. Ушбу банд таълим тизимидаги ҳамкорлик орқали мамлакатларнинг ўз таълим тизимини такомиллаштиришига йўл очишини осонлаштиради.

5-модда 4-бандда малакаларни тан олиш тан олинган томонга қандай ҳуқуқларни тақдим этиши ҳақида сўз боради:

“Бошқа иштирокчи давлат томонидан мазкур Конвенция иштирокчи давлатида эришилган малакани тан олишда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

(а) Иштирокчи давлат олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ва ушбу иштирокчи давлат ҳудудида олинган малака билан тенг ҳуқуққа эга бўлиш.

(б) Малака эгасига қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларга мувофиқ таълим олган муассаса номини ишлата олиш ҳуқуқини беради;

Бундан ташқари, мурожаатчига иштирокчи давлат қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда келгусида иш топиш имкониятини беради” (4-бўлим, 5-модда, 4-банд).

Яъни Конвенцияда иштирок этувчи давлатлар бошқа иштирокчи давлатларда таҳсил олиш натижасида олинган малакани ўзлариники билан тенг кучга эга дея тан оладилар ҳамда бундай малакалардан қонунчиликка мувофиқ меҳнат фаолиятида фойдаланишга рухсат этадилар.

5-модда 5-бандда агар томонларнинг бири малакаларни тан олиш жараёнида сезиларли фарқларни аниқласа, малакаларни қисман тан олиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкинлиги қайд этилган.

КОНВЕНЦИЯДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Глобал Конвенция авваламбор уни қабул қилишга қарор қилган давлатларнинг ҳукуматлари ўртасидаги шартнома вазифасини ўтайди. Бироқ бошқа ҳиссадор ташкилотлар, жумладан, Европа Халқаро Таълим Ҳамжамияти кабилар бу жараёнда кузатувчи сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Конвенциянинг 5-бўлим, 12-моддасига биноан қуйидаги турдаги ташкилотлар унинг фаолиятида қатнашиши мумкин:

“Иштирокчи давлатлар ушбу Конвенцияни қуйидаги тузилмалар ёрдамида ёки ҳамкорликда амалга оширишга келишиб олади:

1. Конвенцияни амалга ошириш учун миллий тузилмалар.

2. Конвенцияни амалга ошириш учун миллий тузилмалар тармоқлари.

3. Аккредитация, сифат кафолати, малака доираси ва малакаларни тан олиш бўйича миллий, минтақавий ва халқаро ташкилотлар.

4. Иштирокчи давлатларнинг ҳукуматлараро конференцияси.

5. Тан олиш бўйича минтақавий Конвенциялар қўмиталари” (5-бўлим, 12-модда).

Конвенция ижросини таъминлаш мақсадида иштирокчи давлатлар **миллий тузилмалар** ва уларнинг тармоқларини яратадилар. Бундай тузилмалар Конвенцияда акс этган масалаларни жорий қилиш учун фаол қатнашади. Миллий тузилмалар **“Миллий матбуот маркази ёки шунга ўхшаш муассаса”** (5-бўлим, 13-модда, 1-банд) бўлиб, ундаги ўзгаришларда **ҳукуматлараро Конвенция котибияти** воқиф этилиши лозим (5-бўлим, 13-модда, 2-банд). Ушбу миллий тузилмалар Конвенция ижросини такомиллаштириш мақсадида **миллий тузилмалар тармоқларига** бирлашиб, бунда **ҳукуматлараро конференция** бошчилик қилади (5-бўлим, 14-модда, 1-банд).

Ҳукуматлараро конференцияда барча аъзо давлатлар иштирок этиши мумкин. Шунингдек, 5-бўлим, 15-модда, 3-4-бандларга кўра, Конвенцияга аъзо бўлмаган давлатлар, минтақавий ва халқаро ташкилот-

лар, давлат ва нодавлат ташкилот вакиллари ҳукуматлараро конференцияда **кузатувчи** сифатида иштирок этиши мумкин.

Глобал Конвенция ЮНЕСКОнинг олий таълим тизимидаги малакаларни тан олиш тўғрисидаги бешта минтақавий Конвенцияларига қўшимча ўлароқ хизмат қилади. Шунинг учун ҳам 5-бўлим, 12-моддада Глобал Конвенциянинг фаолиятида минтақавий Конвенциялар ҳам иштирок этиши белгиланган. Булар орасида Лиссабон Конвенциясини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Зеро, бу Конвенция Европа умумий олий таълим ҳудуди ва Европада олий таълимни интеграция қилиш жараёнида муҳим роль ўйнаб, олий таълим тарихида энг муваффақиятли лойиҳалардан бири бўлиб келмоқда.

КОНВЕНЦИЯГА ТУЗАТИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ

Глобал Конвенция ҳам соҳага ёки Конвенцияга аъзо мамлакатлардаги муайян ўзгаришлар оқибатида тузатишга муҳтож ҳолатлар учраши мумкин. Глобал Конвенцияга тузатиш киритиш тартиби 6-бўлим, 23-моддада берилган бўлиб, унга биноан Конвенция аъзоси бўлган ҳар қандай давлат тузатиш тўғрисида **ЮНЕСКО бош директори**га ёзма мурожаат қилиши лозим. Бош директор эса ушбу тузатиш таклифини бошқа аъзо давлатларга юборади. Аъзо давлатларнинг 50 фоиздан ортиғи тузатишга оид таклифни маъқулласа, бош директор уни **ҳукуматлараро конференция**да муҳокамага қўяди. Конференцияда иштирок этаётган давлатларнинг учдан икки қисми тузатиш таклифини маъқулласа, тузатиш қабул қилинган ҳисобланади ва ҳар бир давлатга ратификация қилиш учун юборилади.

ГЛОБАЛ КОНВЕНЦИЯГА АЪЗО БЎЛИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Глобал Конвенция ўз малакаларининг бошқа мамлакатда тан олинишига ҳаракат қилаётган ва халқаро меҳнат бозорига киришга интилаётганлар манфаатига хизмат қилади, чунки Конвенция талабаларнинг ўз мактаб шаҳодатномаларини бошқа минтақаларда тан олинишига эришиши ҳамда олий таълим олиши жараёнини соддалаштиради. Бунда талабаларнинг ўз юртида бошлаган таълимини бошқа мамлакатда давом эттириш имкониятлари ошади. Конвенцияга аъзо бўлишни истаган мамлакатлар учун Конвенция “зиёли қатламнинг кетиб қолиши”га қарши кучли восита бўлиб, аъзо мамлакатлар хорижда олинган малакаларни

тан олишни соддалаштиришга оид кучли механизмларга эга бўладилар. Бундан ташқари, Конвенцияга аъзо бўлиш олий таълим тизимини глобал олий таълимга интеграция қилишда ёрдам беради. Жумладан, иштирокчи мамлакатлар бир-бирига зарурий техник ёрдам кўрсатиши Конвенцияда таъкидлаб ўтилган:

“Иштирокчи давлатларнинг илтимосига биноан тармоқ иштирокчилари ахборот ва техник ёрдам бериш вазифасини ўз зиммасига олишади”. (5-бўлим, 14-модда, 2-банд)

Шу билан бирга, бу хорижда таҳсил олган зиёлилар диаспорасини ўз мамлакатига қайтишига ҳам хизмат қилади. Глобал Конвенция, шунингдек, миллий ҳукумат вакилларига олий таълим тизимидаги малакаларни тан олиш амалиёти ва воситаларини ривожлантириш мақсадида чегаралар ва минтақалараро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун умумий платформа вазифасини ўтайди. Буни таъминлаш мақсадида Конвенцияга аъзо мамлакатлар иштирок этувчи ҳукуматлараро конференциялар ҳам ташкил этилган:

“Иштирокчи давлатларнинг ҳукуматлараро конференцияси ташкил этилади. Конференция Конвенцияга аъзо барча давлатларнинг вакилларини ўз ичига олади”. (5-бўлим, 15-модда, 1-2-бандлар)

Академик ҳаракатчанликни ошириш орқали Глобал Конвенция талабалар, факультет аъзолари ва тадқиқотчилар хилма-хиллиги, виртуал мобиллик кабиларга ҳисса қўшади. Бу Конвенциянинг мақсадлари орасида ҳам қайд этиб ўтилган:

“Минтақа таълим тизимини мувофиқлаштириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган ушбу Конвенциянинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1. Олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

2. Олий таълим тизимида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун минтақалараро, сиёсий ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш;

3. Бутунжаҳон академик алмашинувни қўллаб-қувватлаш, иштирокчи давлатлар ўртасида малака тан олиш жараёнини жадаллаштириш, шунингдек, таълим тизими турлича бўлган иштирокчи давлатлар ўртасида таълимни мувофиқлаштириш” (2-бўлим, 2-модда, 1-3-бандлар).

Шунингдек:

“Олий таълим муассасаларида сифатни таъминлаш, маданиятини ошириш ва ишончлилиқ, изчиллик ва бир-бирини тўлдиришни тизими учун зарур бўлган имкониятларни ишлаб чиқиш, халқа-

ро академик ҳаракатчанликни қўллаб-қувватлаш” (2-бўлим, 2-модда, 9-банд).

Яна бир муҳим масала шундаки, Конвенция аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари манфаатини ҳам инобатга олади. Бу уларга имкониятларида бўлган мамлакатларда олий таълим олишларига ёрдам беришида намоён бўлади. **“Малакаларни тан олиш орқали олий таълимга киришни адолатли ва ошкора қилиш, шунингдек, шахслар (қочоқлар, кўчирилган шахслар)нинг бутун умрлари давомида таълим олишини таъминлаш”** (2-бўлим, 2-модда, 9-банд) Конвенциянинг мақсадлари қаторида таъкидлаб ўтилган.

Бу, шунингдек, дипломлар, сертификатлар ва бошқа малака ҳужжатларини қалбакилаштиришнинг олдини олишда ҳам муҳим воситалардан бири сифатида хизмат қилиши мумкин. Конвенцияда фирибгарликка қарши кураш фаолиятида халқаро ҳамкорликни ошириш ҳам таъкидланган.

ГЛОБАЛ КОНВЕНЦИЯНИНГ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАНИШИГА ОИД ЭЪТИМОЛИЙ МУАММОЛАР

Таъкидлаш жоизки, Глобал Конвенция ўз олдида қўйган масалалар муайян муаммоларни ҳал этишни заруриятга айлантиради. Бунга мисол сифатида қуйидагиларга тўхталиб ўтиш мумкин:

Таълим тизимидаги тафовутлар. Турли мамлакатлар турли хил таълим тизими, ўқув дастурлари, баҳолаш тизимларига эга бўлиб, уларни бир-бири билан тўғридан-тўғри таққослаш — мураккаб жараён. Бундай муаммоларнинг олдини олиш учун Конвенция курс ва модулларга эмас, балки компетенцияларга урғу беради.

Маъмурий тўсиқлар. Барча мамлакатларни ягона, стандартлашган андоза асосида фаолият юритишга кўндириш маъмурий тўсиқларни енгиб ўтишни тақозо қилади. Бунда музокараларга урғу бериш орқали маъмурий тўсиқлар енгиб ўтишига ҳаракат қилиниши лозим.

Аккредитация масалалари. Малакаларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш, дунё бўйлаб турли муассасалар тақдим этган дипломларни аккредитация қилиш самарали тизимни ишга туширишни тақозо этади. Конвенция тамойилларидан бири сифатида малака ҳужжатларини текширишда фирибгарликка қарши курашиш таъкидлаб ўтилган:

“Иштирокчи давлатлар фирибгарлик амалиётининг барча шакллари йўқ қилиш чораларини кўриш мажбуриятини олиша-

ди, бунда замонавий технологиялардан ва тармоқли ҳамкорликни кенг фойдаланишлари лозим” (3-бўлим, 3-модда, 8-банд).

Шунга қарамай, фирибгарликка қарши курашишнинг умумий механизми ҳақида тўхталмаган. Бунда қандай технология турларидан фойдаланиш масаласи — очиқ. Айтиш мумкинки, соҳага оид муайян илмий мақолаларда янги технологиялар, масалан, **рақамли тасдиқлаш** ҳамда **блок-чейн**дан фойдаланиш ташаббуси илгари сурилган. Янада долзарб масала шундаки, мутахассисларни тан олиш ва қабул қилиш халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳамда тажриба алмашинуви тамойилларига биноан фаолият юритиши зарур.

Мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тафовутлар. Маълумки, турли мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли босқичини бошидан кечирмоқда. Бунга кўра, мамлакатлар ривожланган, ривожланаётган ҳамда энг кам ривожланган сифатида таснифланади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги тафовутлар халқаро меҳнат бозорида турли мамлакатга мансуб иш берувчиларнинг потенциал ходимларга қўядиган талаблардаги тафовутлар, маҳаллий меҳнат бозорида ўз фуқароларини ҳимоя қилиш масалалари, шунингдек, минтақавий ва маҳаллий меҳнат бозорларида талаб қилинадиган компетенциялардаги фарқларни олий таълим тизимидаги малакаларни глобал миқёсда тан олиш тизими олдида турган долзарб муаммолардан дейиш мумкин. Мисол учун, Вьетнамда олинган малака Норвегия ҳудудида тан олиниши йўлга қўйиладиган бўлса, масаланинг юридик томони гўёки ечим топгандек ҳисобланади. Бироқ бундай малака Норвегия меҳнат бозорида ходимнинг ўз йўлини топиб кета олиши учун керакли касб компетенциялари ҳамда кўникмалари билан бойитилганми? Ҳиндистон меҳнат бозорида зарурий ҳисобланадиган касб компетенциялари Европа меҳнат бозорида ҳам шундай залворга эгами? Мана шундай саволлар касб малакаларини тан олиш масалаларида амалий муаммо сифатида ўз ечимини кутиб турибди.

Миллий, географик ва этник тафовутлар. Маълумки, ҳар бир мамлакатдаги мутахассислар ўз педагогик, маданий ҳамда эстетик анъаналарига эга ҳисобланадилар. Масалан, Ҳиндистонда таълим берувчи профессор-ўқитувчилар фойдаланадиган педагогик-методик ёндашувлар Польшаникидан фарқ қилиши мумкин. Бу эса малакаларни тан олиш йўлга қўйилса-да, амалий натижа олиш, яъни ялпи равишда ижро этишда мураккаблиklar, баъзида тушунмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин.

Моддий-техник база ҳамда ташкилий масалалар. Конвенцияга аъзо бўлиш унинг ижросини таъминлашга масъул бўлган миллий ту-

зилмалар, жумладан, **Миллий матбуот марказлари** фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда бу тузилмаларнинг минтақавий тузилмалар тармоғи билан фаол ҳамкорликда бўлишини тақозо қилади. Бу эса инсон ресурслари ҳамда изчил молиялаштириш масалаларини кун тартибига қўйиб, Конвенцияга аъзо бўлишдан олдин бунинг иқтисодий оқибатлари тарозига солиниши даркор.

ЮНЕСКОНИНГ “ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ОИД МАЛАКАЛАРНИ ТАН ОЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ГЛОБАЛ КОНВЕНЦИЯСИНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ

ЮНЕСКО баёнотига кўра, ташкилот мамлакатларни “минтақавий Конвенцияларни ратификация қилишини юксак даража рағбатлантирса-да, Глобал Конвенцияни ратификация қилишдан аввал минтақавий Конвенцияларга қўшилиш шарти мавжуд эмас” [5].

ЮНЕСКО экспертларининг фикрича, барча Глобал Конвенцияга кўп давлатларни аъзо қилиш осонликча амалга ошмайди. Бунинг учун кўплаб тўсиқлар мавжуд ва уларни енгиш керак. Умид қиламизки, беш йилдан кейин 50 мамлакат бу Конвенцияни ратификация қилади ва ўн йилдан кейин бу рақам 80 дан 100 гача ортиши мумкин [6].

Тадқиқот давомида ЮНЕСКОнинг “Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисида”ги Глобал Конвенция, унинг моҳияти ва аҳамияти, аъзо бўлиш шартлари, уни ратификация қилган мамлакатларнинг тажрибалари асосида эришиладиган ижобий натижалар, юзага келиши мумкин бўлган хавфлар ўрганилди.

Келажакда Глобал Конвенцияни ЮНЕСКОнинг **190 дан ортиқ аъзо давлатлари** ратификация қилиши ҳамда олий таълимга оид малакалар ва илмий даражаларни тан олиш бўйича ягона халқаро ҳуқуқий макон вужудга келиши кутилмоқда.

Натижада Конвенцияга аъзо давлатларнинг талаба, тадқиқотчи ва профессор-ўқитувчилари иштирокчи давлатлар ҳудудида ўқиш ва ишга жойлашиш масаласида ушбу мамлакат фуқаролари сингари тенг ҳуқуқларга эга бўладилар. Яна бир муҳим жиҳати, аъзо давлатлар ўртасида олий таълимга оид малакаларни ўзаро тан олишга оид икки томонлама битимлар тузишга эҳтиёж қолмайди.

Конвенция “сезиларли фарқ”ни аниқлаш тамойили асосида иш юритади, яъни малака ва илмий даражаларни тан олиш жараёнида хорижий таълим ва миллий таълим ўртасида катта тафовут мавжуд бўлмаган

тақдирда малакалар тан олинади. Шу билан бирга, Глобал Конвенция хорижий таълимни баҳолашда ёндашувлар тенглигини кафолатлайди. Шунингдек, тан олишни рад этиш тўғрисидаги қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлайди.

Мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжат ЮНЕСКОга аъзо барча давлатлар учун очиқ ҳамда у БМТнинг олий таълим бўйича биринчи бутунжаҳон шартномасига айланиши прогноз қилинмоқда.

Глобал Конвенцияни ратификация қилиш орқали давлатлар олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, унинг сифатини яхшилашга эришади. Шунингдек, халқаро академик мобиллик ҳамда малакаларнинг тан олиниш имкониятлари кенгайди.

Ўзбекистон учун ҳам мазкур Конвенцияни ратификация қилиш масаласини муҳокама қилиш муҳим. Чунки хорижга талабаларнинг чиқиши Ўзбекистон учун ҳам хос. Айниқса, сўнгги йилларда бу тенденция кучайиб бормоқда.

ЮНЕСКОнинг статистика институти маълумотларининг **2021 йилнинг 1 январь** ҳолатига, кўра, хорижда таҳсил олаётган Ўзбекистонлик талабалар сони **85,9 минг нафар**ни ташкил этган [7].

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, **2022 йилнинг 11 ойида 138,9 минг нафар** Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўқиш мақсадида хорижга чиққан [8].

Ўзбекистонга келаётган талабалар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2022/2023-ўқув йили бошига республикадаги олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган хорижлик талабалар сони **5 минг** нафарни ташкил этган [7, 2].

Ушбу талабалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам Конвенцияни ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш керак.

Қолаверса, чет элда олган таълим ва малакани ўз мамлакатимизда тан олиш халқаро ҳуқуқий механизмини кучайтириш орқали хориждаги билимли, салоҳиятли кадрларни юртимизга қайтаришга эришилади.

Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги Глобал Конвенцияни ратификация қилган мамлакатларнинг тажрибаси кўйидаги афзалликларни кўрсатмоқда:

Биринчидан, тан олиш академик мобиллик, илмий тадқиқотларнинг халқаролашуви ва таълим олишнинг зарурий шартларидан биридир. Тадқиқотчи ва талабалар ҳаракати таълим тизимлари ўртасида янги ғоя ва ташаббусларни тарқатишга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, таълим ҳамда тадқиқотларнинг сифати ва долзарблигини кучайтиришга кўмаклашади.

Иккинчидан, малака ва олдинги таълимни тан олиш тизимини яратиш олийгоҳларга илмий тадқиқот ҳамда таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, малакаларни тан олиш учун тузилмалар талабаларни қабул қилиш жараёни сифатини таъминлашга кўмаклашади ва мигрантлар учун олий таълим олиш имкониятини кенгайтиради.

Учинчидан, малакаларни тан олиш БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари 4-бандига мувофиқ, олий таълим тизимларининг ижтимоий-маданий аҳамиятини ошириш учун ижтимоий масъулият билан узвий боғлиқдир.

Юқоридагилар билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги Глобал Конвенцияни ратификация қилиши натижасида **қуйидаги қийинчиликларга дуч келиш хавфлари мавжуд:**

– олий таълим сифатининг фарқланиши: барча мамлакатларда таълим сифатидаги фарқлар, тан олиш тизимлари ривожланмаганлиги, Конвенцияда кўзда тутилган жараёнларни амалга ошириш учун миллий маълумот марказлари очиш билан боғлиқ молиявий, кадрларга бўлган эҳтиёжлари ва умуман олганда, бутун жараёни қамраб оладиган тизим яратилиши керак бўлади;

– Конвенцияга аъзо давлатлар амал қиладиган олий таълимга оид халқаро стандарт ва кўрсатмаларнинг Ўзбекистон Республикасида мавжуд қонун-қоидалардан фарқ қилиши ҳамда улар ўртасидаги тафовутнинг юқори эканлиги. Масалан, мамлакатимизда олий таълимдан кейинги таълим икки босқичда амалга оширилади. Халқаро тажрибада, аксарият мамлакатларда, жумладан, Конвенцияни ратификация қилган давлатларда ҳам бу жараён бир босқичда ташкил этилгани кузатилади.

Мазкур ҳолатда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан бериладиган илмий даража ва унвонларнинг Конвенцияни қабул қилган давлатлар томонидан тан олинмаслиги эҳтимоли юқори эканлигини прогноз қилиш мумкин.

Юқоридаги юзага келиши мумкин бўлган хавфларга қарамасдан, Конвенцияни ратификация қилиш Ўзбекистон олий таълим тизимида бир қатор **устунликларни** ҳам тақдим этади.

Уларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан, олий таълим муассасаларининг халқаролашуви ҳамда дунёнинг етакчи олийгоҳлари билан интеграцияси кучаяди. Шунингдек, таълим хизматларининг ташқи бозорга чиқишига шароит яратилади.

Иккинчидан, олий таълим муассасаларининг халқаро имиджи ошадиган, таълим хизматларининг миллий ва халқаро бозордаги рақобатбардошлик мавқеи янада мустаҳкамланади, халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллаш имконияти пайдо бўлади.

Учинчидан, олий таълимга оид миллий малакалар, илмий даража ва унвонларнинг халқаро тан олиниши профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар учун ташқи академик мобиллик ютуқларидан кенг фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Тўртинчидан, олий таълим муассасаларини халқаро аккредитация жараёнларидан ўтказиш тезлашади. Олийгоҳлар томонидан берилаётган малакалар халқаро даражада тан олинади ҳамда уларнинг халқаро талабларга мувофиқлиги синовдан ўтказилади.

Бешинчидан, олий таълим муассасалари битирувчилари, профессор-ўқитувчиларининг жаҳон меҳнат бозорида ўз ўринларини топишлари, рақобатбардош кадр сифатида танилишлари, халқаро даражага чиқишларига шарт-шароит яратилади.

Олтинчидан, трансчегаравий олий таълимда сифатни таъминлаш бўйича кўрсатма ва мезонлардан фойдаланган ҳолда таълим сифатини оширишга эришилади.

Еттинчидан, замонавий олий таълим тизимининг бир қисми бўлган масофавий таълимни янада ривожлантириш, масофавий таълимга ихтисослашган миллий ва хориждаги университетлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқишда мазкур Конвенцияни ратификация қилиш муҳим роль ўйнайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ЮНЕСКОнинг “Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисида”ги Глобал Конвенциясини ратификация қилиш таклифини ваколат даражасида илгари суриш мақсадга мувофиқдир.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МАЛАКАЛАРНИ ТАН ОЛИШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ КОНВЕНЦИЯЛАР

Олий таълимни минтақавий интеграция қилиш, академик ҳаракатчанликни ривожлантириш, малакаларни тан олишда ҳамкорликни жадаллаштириш йўлида бир қанча минтақавий Конвенциялар бўй кўрсатди. Минтақавий Конвенциялар ўша минтақага мансуб мамлакатларнинг олий таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик фаолиятини мувофиқлашти-

ришда муайян маромда қўл келмоқда. Бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатлари мана шундай минтақавий Конвенцияларда иштирок етиб, деярли ҳар бир минтақани муайян Конвенция ўзаро бирлаштириб турмоқда.

Токио Конвенцияси

Токио Конвенцияси расман **Олий таълимда малакаларни тан олиш бўйича Осиё-Тинч ҳавзаси минтақавий Конвенцияси** деб аталиб, 2011 йил 26 ноябрь куни Токиода қабул қилинган. 2018 йил 1 февралдан эътиборан кучга кирган. Конвенция Осиё-Тинч ҳавзаси минтақасидаги мамлакатлар ўртасида олий таълим малакаларини тан олиш фаолиятида ҳамкорликни йўлга қўйиш, умумий тамойиллар, шаффофлик ва ахборот алмашиш орқали малакалар тан олинишининг соддалаштирилишига етакловчи механизмлар яратиш мақсадида қабул қилинган. Конвенцияга ЮНЕСКОнинг ҳар қандай аъзоси қўшилиши мумкин.

Аддис Конвенцияси

Аддис Конвенцияси расман **Африка мамлакатларида олий таълимга оид дипломлар, даражалар, сертификатлар, таҳсил ҳамда бошқа ўқув малакаларини тан олиш бўйича Конвенция** деб аталиб, 2014 йил 12 декабрда Эфиопия пойтахти Аддис-Абеба шаҳрида қабул қилинган. 2015 йил 15 декабрдан эътиборан кучга кирган. Конвенция Африка минтақасида университетлар ўртасида ҳамкорлик ҳамда ҳаракатчанликни соддалаштириш учун олий таълимга оид малакаларнинг шаффоф ҳамда адолатли тан олишига етакловчи ҳуқуқий асос яратиш мақсадида қабул қилинган. Конвенцияга ЮНЕСКОнинг Африка минтақасидаги аъзолари қўшилиши мумкин.

Араб давлатлари Конвенцияси

Араб давлатлари Конвенцияси расман **Араб давлатларидаги олий таълим дипломлари, даражалари ҳамда таҳсилини тан олиш бора-сидаги Конвенция** деб аталиб, 2022 йили 2 февралда Париж шаҳрида қабул қилинган. Конвенция минтақага ихтисослашган экспертлар билан 4 йил давом этган ўзаро маслаҳатлашув жараёнининг маҳсули бўлиб, олий таълим соҳасидаги, жумладан, халқаро ҳамкорлик ва академик ҳаракатчанликка оид муҳим эврилишларни инобатга олган ҳолда яратилган. Конвенцияни Араб Лигасига ёки ЮНЕСКОнинг араб минтақасига аъзо ҳар қандай мамлакат қўшилиши мумкин.

Буэнос-Айрес Конвенцияси

Буэнос-Айрес Конвенцияси расман **Олий таълимда даражалар, дипломлар ва олинган таълимни тан олишга оид минтақавий Конвенция** деб аталиб, 2019 йили 13 июлда Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида қабул қилинган. 2022 йил 23 октябрдан эътиборан кучга кирган. Ушбу Конвенция минтақада олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, малакаларни адолатли, шаффоф йўсинда тан олиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида қабул қилинган. Конвенцияга ЮНЕСКОнинг ҳар қандай аъзоси қўшилиши мумкин. 2023 йил сентябрдаги ҳолатга кўра, унга бешта давлат аъзо.

Лиссабон Конвенцияси

Лиссабон Конвенцияси расман **Европа минтақасида олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги Конвенция** деб аталиб, Европа консуллиги томонидан ЮНЕСКО билан ҳамкорликда яратилган халқаро Конвенция ҳисобланади. У Европада малакаларни тан олиш борасидаги асосий халқаро юридик ҳужжат саналади. 2012 йилга келиб Европа Консуллигининг 47 аъзоси уни ратификация қилган. Шунингдек, Европа Консуллигига аъзо бўлмаган мамлакатлар, жумладан, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Канада, Исроил, Австралия, Янги Зеландия кабилар ҳам уни ратификация қилган. АҚШ Лиссабон Конвенциясини имзолаган, бироқ ратификация қилмаган.

Конвенцияга кўра, даража ва таълим тўғрисидаги бошқа ҳужжатлар масъул муассаса томонидан йирик фарқланишлар топиб, исботланмаган тақдирда тан олиниши лозим. Талаба ва битирувчиларга ҳужжатларни кўриб чиқишнинг иш тартиби адолатли бўлиши кафолатланиши даркор. Конвенция номи 1997 йилда имзоланган жойи бўлмиш Лиссабонга атаб қўйилган. Конвенция 1999 йилдан эътиборан кучга кирган.

Конвенцияни оммалаштириш ҳамда ижро устидан назорат ўртанишга икки орган масъул:

1. Европа Минтақасида Олий таълимга оид малакаларни тан олиш Конвенциясининг масъул қўмитаси;

2. Академик ҳаракатчанлик ва тан олишга масъул ахборот марказларининг Европа тармоғи.

Қўмита Конвенция ижросини рағбатлантириш ва ижро устидан назорат ўрнатишга масъул. У имзоловчи томонларнинг аксари қувватлаши билан томонларни тамсил этувчи масъул ташкилотларга йўл кўрсатиш мақсадида самарали амалиёт намуналари, протоколлар, декларация-

лар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ҳуқуқига эга. Яқуний қарорни қабул қилишдан олдин қўмита ахборот марказларининг Европа тармоғи билан маслаҳатлашади. Юқоридаги органлар, шунингдек, тегишли миллий тузилмаларга Конвенциянинг амалий ижросида қўмаклашади.

Лиссабон Конвенцияси Болонья жараёнларининг Европа олий таълим ҳудуди ташкил этиш ҳамда академик даражалар ва сифатни кафолатлаш мезонларини умумлаштириш йўлидаги муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Европада ўтган асрнинг 50 йилларидан эътиборан талабаларнинг хорижда таҳсил олиши Европа мамлакатлари интеграциялашувининг муҳим унсурларидан бири бўла бошлаган. Европа Консуллиги 1949 йилда ташкил этилгач, бу борада бир неча шартномалар имзоланди. Европа Инсон ҳуқуқлари Конвенциясининг 1-бўлим, 2-моддасида таълим олиш ҳуқуқининг қайд этилгани бунга мисол бўлади. Бундан ташқари, 1953 йилдаги Дипломлар эквивалентлиги тўғрисидаги Европа Конвенцияси, 1956 йилда қабул қилинган Университетда олинган таҳсил муддати эквивалентлиги тўғрисидаги Европа Конвенцияси, 1959 йилда қабул қилинган Олий таълим малакаларини тан олиш бўйича Европа Конвенцияси, 1969 йилда қабул қилинган хорижда таҳсил олаётган талабаларга стипендияларни тўлашда давом этиш тўғрисидаги Европа ҳамкорлик шартномаси, 1990 йилда қабул қилинган Университетда олинган таҳсил муддатининг умумий эквивалентлиги тўғрисидаги Европа Конвенцияси каби ҳужжатларни алоҳида таъкидлаш мумкин.



Шунингдек, Европа Консуллиги томонидан қабул қилинган **Европа маданияти Конвенцияси**нинг 2-моддасига биноан, ҳар бир иштирокчи томон имкон даражасида ўз фуқароларини бошқа иштирокчи мамлакатлар тили, тарихи ва маданиятини ўрганишга рағбатлантириши ҳамда бошқа томонлар томонидан ўз тили, тарихи ва маданиятини ўрганишга хоҳиш билдирилган тақдирда, улар учун ўз ҳудудида шароит яратиб бериши лозим. Айтиб ўтиш мумкинки, Лиссабон Конвенцияси юқоридаги ҳамкорлик ҳужжатлари ва Европа мамлакатлари ўртасидаги узоқ йиллик интеграция жараёнининг мантиқий маҳсули бўлиб, **Болонья жараёнлари** ҳамда **Европа олий таълим ҳудуди** шаклида ўз кульминацион чўққисига етди.

Болонья жараёнлари

Болонья жараёнлари — Европа мамлакатлари ўртасида олий таълим малакаларининг мослиги ва сифатини таъминлаш мақсадида ўтказилган учрашув ва ҳамкорлик келишувлари ҳисобланади. Ушбу жараёнлар натижасида Европа олий таълим ҳудуди ҳамда Лиссабон Конвенцияси яратилган. Жараёнга Болонья университети номи берилган бўлиб, бу ерда 1999 йили 29 та Европа мамлакатларининг таълим вазирлари Болонья декларациясини имзолаганлар. Жараёнлар Европа консуллигининг Европа маданий конвенциясига биноан бошқа мамлакатларга ҳам очиқ. Болонья декларацияси имзоланишидан олдин 1988 йили Болонья университетининг 900 йиллиги нишонланиши муносабати билан университетларнинг ректорлари ўртасида ўтказилган учрашувда Magna Charta Universitatum — Университетлар бош хартияси эълон қилинган. 1998 йили Франция, Германия, Италия, Буюк Британия таълим вазирлари Париж шаҳрида Сорбон декларациясини имзолаган бўлиб, Европа олий таълим тизимини мувофиқлаштиришга келишиб олганлар. Болонья жараёнларида 49 та мамлакат иштирок этади.

Томонлар

Европа олий таълим ҳудудига қуйидаги мамлакатлар аъзо:

Европа олий таълим ҳудуди:

• **1999 йилда** Австрия, Бельгия, Болгария, Чехия, Дания, Эстония, Финландия, Франция, Германия, Греция, Венгрия, Исландия, Ирландия, Италия, Латвия, Литва, Люксембург, Мальта, Голландия, Норвегия, Польша, Португалия, Руминия, Словакия, Словения, Испания, Швеция, Швейцария, Бирлашган Қироллик.

- **2001:** Хорватия, Кипр, Лихтенштейн, Туркия, Европа комиссияси
- **2003:** Албания, Андорра, Босния ва Герцоговина, Шимолий Македония, Россия, Сербия, Ватикан шаҳри
- **2005:** Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Молдова, Украина
- **Май, 2007:** Монтенегро
- **2010:** Қозоғистон
- **Май, 2015:** Беларусь

Европа Иттифоқига аъзо барча мамлакатлар жараёнда иштирок этаётган бўлиб, Европа Комиссияси ҳам томонлардан бири ҳисобланади. Монако ҳамда Сан-Марино жараёни қўлламаган Европа Консуллигининг аъзолари ҳисобланади.

Болонья жараёнларида, шунингдек, ЮНЕСКО каби халқаро ташкилотлар ҳамда сифатни таъминлаш агентликлари, жумладан, Европа сифатни кафолатлаш агентлиги (ENQA) ҳам иштирок этапти.

Рад этилган мамлакатлар

Исроил, Қирғизистон, Шимолий Кипр ҳамда Косово иштирок этиш учун ариза киритган, бироқ аъзолик талабларига жавоб бермаслиги сабабли қабул қилинмаган.

Исроил Европа консуллигининг Европа Маданий Конвенциясига аъзо эмас, бироқ унда кузатувчи мақомига эга. Гарчи Исроил географик жиҳатдан Европанинг бир қисми ҳисобланмаса-да, у ЮНЕСКО томонидан Европа минтақасининг бир қисми сифатида тан олинган. Исроил, шунингдек, Лиссабон Конвенциясини ратификация қилган. Лекин 2003 йилги **Берлин Коммюнике** талабларига кўра, Болонья жараёнларида иштирок этишга ҳақли эмас.

Косово Европа Консуллигининг Европа Маданий Конвенциясига аъзо эмас.

Қирғизистон Европа Консуллигининг Европа Маданий Конвенциясига аъзо эмас, бироқ Лиссабон Конвенциясини ратификация қилган.

Шимолий Кипр Европа Консуллигининг Европа Маданий Конвенциясига аъзо эмас. Уни Европа Иттифоқига аъзо ҳеч бир мамлакат тан олмаган.

Малака андозалари

Андозанинг асосини олий таълим малакаларининг уч босқичи ташкил этади. 2005 йили Берген шаҳрида қабул қилинган андоза малакага таълим натижалари нуқтаи назаридан таъриф беради: таълим натижа-

лари талабалар даражани олганларида нималарни билиши ва нималар қилишга лаёқати бўлишини англатади. Босқичларга ажратишда андоза Европа кредит кўчириш ва жамғариш тизими (ECTS)дан фойдаланади:

Биринчи босқич: одатда 180-240 кредит соати (ECTS)дан иборат бўлиб, бу бир ўқув йилда минимум 60 кредит соати жамғаришни тақозо этади ҳамда бакалавр даражаси билан малакаланади. Европа олий таълим ҳудудида имтиёзли бакалавр даражаси (Bachelor with Honours) йўқ. Имтиёзли бакалавр даражаси баъзи мамлакатлар (Бирлашган Қироллик, Австралия ва Янги Зеландия)да магистратура босқичида таҳсил олмай, тўғридан-тўғри докторантурага қабул қилиниш имкониятини беради.

Иккинчи босқич: одатда 60-120 кредит соати (ECTS)дан иборат бўлиб, бу бир ўқув йилида камида 60 кредит соати жамғаришни тақозо этади ҳамда магистр даражаси билан малакаланади.

Учинчи босқич (Докторантура): Бунда кредит соатларига биноан муайян талаблар мавжуд эмас, чунки соҳалар қамрови бир-биридан тубдан фарқланади. Бироқ баъзи мамлакатлар докторантура дастурларида минимум кредит соати талабларини ўрнатганлар. Одатда бундай талаблар 120-420 кредит соати (ECTS) бўлади.

Кўп ҳолларда бакалавр даражасини олиш учун 3-4 йил, магистр даражасини олиш учун 1-2 йил талаб қилинади. Докторлик даражаси эса камида 2-4 йил мобайнида илмий раҳбар бошчилигида ўз ихтисослиги устида ишлашни талаб этади. Даражаларнинг расмий номи давлатдан давлатга қараб фарқланиши мумкин. Бир ўқув йили 60 кредит соати (ECTS) ёки 1500-1800 ўқув соатига тўғри келади.

Европа Иттифоқига аъзо бўлган ва аъзо бўлмаган давлатлар ўртасидаги шартномалар Европа Иттифоқи қонунчилигидан ташқари битим ҳисобланади. Болонья декларацияси Конвенция мақомига эга бўлмагани сабабли имзолловчи томонларга ҳеч қандай юридик мажбуриятларни юкламайди. Унда иштирок этиш ва ҳамкорлик қилиш ихтиёрий асосда амалга оширилади.

Гарчи декларация Европа Иттифоқи институтлари билан расмий алоқаларга эга бўлмаса-да, Европа Комиссияси жараён ижросини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Кўплаб мамлакатлар ўзларининг анъанавий тизимларидан фойдаланишда давом этиб, белгилаб берилган андозага доим ҳам риоя қилавермайдилар. Тақдим этиладиган даражаларни ўзаро тан олиш борасидаги давлатлар ўртасидаги шартномалар малакаларни қўлга киритиш учун сарфланган муддатни ҳисоблашга асосланган тизимдан олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим

босқичларига бўлинувчи компетенцияларга асосланган тизим сари кўчмокда.

Баъзи мамлакатлар “ECTS” кредит тизимини қабул қилган ҳолда, даражаларнинг тузилмаси, малакалар, олий таълим дастурларини молиялаштириш ва бошқарув амалиётларига ўзгартириш киритганлар. Муассаса кесимида бу олий таълим муассасалари, факультет ва кафедралар, талабалар, профессор ўқитувчиларга оид ислохотларни қамраб олади. Ислохотлар мобайнида турли мамлакатлар ҳамда муассасаларда турли жиҳатларга урғу берилади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси

Андора

Андорада Болонья шартномасига биноан Андора университети ўз таълим структурасини **Европа олий таълим ҳудуди** талабларига мослаштирган. Бакалавр ва магистр даражалари берилишида “ECTS” кредит тизими қабул қилинган.

Австрия

Австрияда 2000 йилдан эътиборан бакалавр камида 6 семестрдан магистратура эса уч-тўрт семестрдан иборат бўлиши белгиланган. Докторантурага қабул қилиниш учун номзодларда магистр даражаси бўлиши шарт. Докторантура дастурлари 2-3 йил давом этиши белгилаб қўйилган бўлса-да, одатда бунга кўпроқ вақт кетади.



Хорватия

Хорватияда Болонья жараёнларини ижро қилиш 2005/2006-академик йилда бошланган. **Диплом** даражаси **бакалавр даражасига** айлантирилиб, таҳсил муддати тўрт йилдан уч йилга қисқартирилган. Магистратура 2 йил докторантура эса камида 3 йил давом этиши белгиланган. Бакалаврда касб ва академик даражалар фарқланиши белгилаб қўйилган. Қуйидаги истисноларни қайд қилиш лозим:

Иқтисодиёт йўналишида бакалавр даражаси тўрт йил давом этиши сақлаб қолинган. Иқтисодиёт бўйича магистр даражаси эса бир йил давом этади. Мусиқа ва рассомчилик йўналишларида таҳсил “4+1” тизими-га амал қилади. Тиббиёт йўналишларида таълим олти йил давом этади.

Дания

Дания 1971 йилда 3+2+3 тизимини ишга туширган. Бакалавр даражаси уч йилни ташкил этади. Магистратура эса икки йил давом этиши белгиланган. Бундан олдин Данияда берилган энг кичик даража магистр даражасининг эквиваленти ҳисобланган. Тўрт йиллик бакалавр дастурлари ҳам мавжуд бўлиб, улар **профессионал бакалаврият** деб аталади.

Финландия

Болонья жараёнларидан олдин Финландия олий таълим тизими иккига бўлинган: **университет ва политехника институтлари**. Университетларда даражалар уч йиллик бакалавр ҳамда 2 йилдан иборат бўлган магистратурадан иборат. Болонья жараёнларида мамлакат иштирок эта бошлагач ҳам бу тизим ўзгаришсиз қолди.

Шунга қарамай мамлакатдаги аъъанавий даражалар тузилмаси **фан бакалаври (BSc)** ҳамда **фан магистри (MSc)** тузилмалари билан алмаштирилди. Фақатгина тиббиёт ҳамда стоматология соҳалари тузилмавий ўзгаришларга учрамади. Политехника институтларида бериладиган даражалар бакалавр даражасига тенглаштирилган. Болонья жараёнларига биноан политехника институтлари магистр даражасини тақдим этишга ҳақли. Шунга қарамай политехника институти талабалари ўқишини Финландиядаги университетга кўчирмоқчи бўлса, қўшимча 60 кредит соати (ECTS) талаб қилинади.

Франция

Францияда ўрта мактабни тамомлагач мукофотланадиган **шаҳодатнома** (Baccalauréat) абитуриентларга университетга қабул қилиниш ҳуқуқини беради. Болонья жараёнларидан олдин абитуриентлар аввал 2 йиллик умумий **диплом курслари** (Diplôme d'études universitaires générales (DEUG) кейин эса уч йиллик **Лисенс** (Licence) даражасини

олиш учун таҳсил олиши талаб этилган. Бу даража бакалавр даражасига тенглаштирилган. Шундан сўнг талабалар бир йиллик **тадқиқот магистратураси** (Maîtrise), ундан кейин эса бир йиллик **касбий-мутахассислик таҳсили** (Diplôme d'études supérieures spécialisées) ёки **тадқиқот** (Diplôme d'études approfondies) билан шуғулланишлари мумкин. Бундан кейин докторантура таҳсили бўлиб, камида уч йил давом этади.

Мамлакатнинг Болонья жараёнларидаги иштироки бошлангач, шаҳодатнома (Baccalauréat) ва докторантурага ўзгартириш киритилди. Магистратура икки йиллик этиб белгиланиб, **профессионал магистратура** (master professionnel) ҳамда **тадқиқот магистратураси** (master recherche)га ажратилди. **Муҳандислик дипломи** (Diplôme d'ingénieur) университетларда тақдим этиладиган бошқа даражалардан ажратилган, бироқ магистр даражасига муқобил ҳисобланади.

Грузия

Грузия Болонья жараёнида 2005 йилдан эътиборан иштирок этишни бошлаган. Мамлакатда бакалавр ва магистратура кўринишида таълим бериш тартиби 1990 йиллардан эътиборан жорий қилина бошланган. Бакалавр даражасини олиш учун 240 кредит бали, магистр даражаси учун 120 кредит бали, докторантура учун эса 180 кредит балини жамғариш талаб этилади.

Италия

Италия 1999 йилдан эътиборан “3+2” тизимини жорий қилганлиги сабабли мамлакатдаги таълим тизими Болонья жараёнларида яратилган андозага мос тушади. Талабалар аввал уч йиллик таҳсилни тамомлашлари лозим. Шундан сўнг улар “Laurea Triennale” даражаси билан мукофотланадилар. Бу бакалавр даражасининг Италиядаги эквиваленти ҳисобланади. Шундан сўнг талабалар ўқишни магистратурада (Laurea Magistrale) давом эттиришлари мумкин бўлиб, бу 2 йил давом этади. Мамлакатда, шунингдек, магистратурадан кейинги таълим, докторантура ва махсус таълим шакллари мавжуд бўлиб, бу олий таълимдан кейинги таълимни ўзида мужассамлаштиради ҳамда 2-3 йил давом этади. Шу билан бирга, бунда муайян истиснолар мавжудлигини айтиб ўтиш лозим: ҳуқуқшунослик фанларига доир магистратура дастурлари (Laurea Magistrale a Ciclo) тўрт йил давом этади. Архитектура, фармацевтика ва рассомчилик соҳаларига доир дастурлар беш йил давом этади. Тиббиёт ва стоматология соҳаларида таълим олти йил давом этади.

Италияда магистратура иккига бўлинади: “Laurea Magistrale” — 120 ECTS кредит балидан ташкил топган. Иккинчи турдаги магистратура

“Master Universitario” 60 ECTS кредит балидан ташкил топиб, у биринчи ва иккинчи даража дастурларга ажратилган. Биринчи даражали магистратурани тамомлаганлар фалсафа доктори дастурларига қабул қилинмайди.

Россия

Россия олий таълим тизими Болонья жараёнларига тўлиқ мос эмас. Совет Иттифоқи давридан амалда бўлиб келаётган тизимга биноан, олий таълим муассасалари тақдим этиши мумкин бўлган энг қуйи даража мутахассис даражаси бўлиб келган. Бунда таълим олти йил давом этган. 1990 йиллардан эътиборан мамлакатда баъзи университетлар **бакалавр** ва **магистратура**дан иборат бўлган тизимга ўта бошладилар. Болонья жараёнларида иштирок эта бошлагач Россия бакалавр ва магистратурадан иборат таълим тизимига ўтишни жадаллаштира бошлади. Шу билан бирга, эски тизимга мансуб “мутахассис” даражаси ҳам маълум миқдорда сақлаб қолинди.

“Мутахассис” ва магистр даражасини қўлга киритган номзодлар фалсафа доктори дастурларига қабул қилиниши мумкин. Бироқ бакалавр даражасини олганлар фалсафа доктори дастурларига ҳужжат топшира олмайдилар.

Швеция

Таълим тизими 2007 йилга келиб ислоҳ этилган ва қуйидагича қайта ташкиллаштирилган:

Цикл	Швеция	Халқаро	Олий таълим муддати	Олий таълимдан кейинги таълим муддати
1	Högskoleexamen	Университет дипломи	2 йил	
1	Kandidatexamen	Бакалавр даражаси	3 йил	
2	Magisterexamen	Магистратура	4 йил	Kandidatexamen + 1 йил
2	Masterexamen	Магистратура	5 йил	Kandidatexamen + 2 йил ёки Magisterexamen + 1 йил
3	Licentiatexamen	Лицензия		Magisterexamen + 2 йил
3	Doktorsexamen	Докторантура		Magisterexamen + 4 йил

2007 йилдан эътиборан ECTSга муқобил кредит тизими жорий қилинган. Баъзи олий таълим муассасалари халқаро талабаларни баҳолашда ECTS тизимидан ҳам фойдаланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ЮНЕСКО томонидан таълим тизими бўйича халқаро стандартларини шакллантириш мақсадида “Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисида”ги Глобал Конвенциясини ратификация қилиш Ўзбекистон ОТМларида ўқиётган талабаларни хорижий ОТМларга академик мобиллигини таъминлашга кўмак беради. Ўз навбатида, Ўзбекистон ОТМларига бошқа минтақалар ёшларини қизиқишини оширишнинг муҳим омилларидан бирига айланади. Олий таълим глобал тенденциялар асосида ривожланиши керак. Бунинг учун ёшларни ривожланган давлатларда ўқишини давом эттириш билан боғлиқ халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиш биринчи ва муҳим қадам бўлиб ҳисобланади.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Глобал конвенция ҳақида.....	5
Конвенциянинг мақсад ва тамойиллари	6
Конвенцияга қўшилиш, аъзо бўлиш ҳамда ратификация қилиш масалалари.....	7
Конвенцияга биноан ҳукумат ҳамда нодавлат ташкилотларининг фаолияти	9
Конвенцияда халқаро ҳамкорлик масалалари	11
Конвенцияга тузатиш киритиш тартиби	12
Глобал конвенцияга аъзо бўлишнинг афзалликлари.....	12
Глобал конвенциянинг амалиётда қўлланишига оид эҳтимолий муаммолар.....	14
Юнесконинг “олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисида”ги глобал конвенциясини ратификация қилиш зарурати	16
Олий таълимда малакаларни тан олиш бўйича минтақавий конвенциялар .	19

Услубий нашр

ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ОИД ХАЛҚАРО ВА
МИНТАҚАВИЙ КОНВЕНЦИЯЛАР:
ИМКОНияТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Методик қўлланма

Муҳаррир:

Ҳ. Закирова

Техник муҳаррир:

Ш. Бекназаров

Бадий муҳаррир:

З. Шоимов

Мусахҳиҳа:

Д. Бекназарова

Дизайнер:

Ф. Қўзиёев



Наш.лиц. Тасдиқнома: 050532, 27.11.2022 й.

Теришга 01.11.2023 йилда берилди. Босишга 04.12.2023 йилда рухсат этилди.

Бичими: 84x108 1/32. Офсет босма. "Pragmatica" гарнитураси.

Шартли б.т. 2.64. Нашр б.т. 2.0.

Адади 500 нусха. Буюртма № OV-20.

Баҳоси шартнома асосида.

"Yetakchi nashriyoti", 100190, Тошкент шаҳри,

Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.

e-mail: yetakchi_nash@mail.

"Mehr-nuri nashriyoti" УК босмахонасида чоп этилди.

Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.

Телефон: +99890 394-10-65

Олий таълимга

онд халқаро ва

**минтақавий конвенциялар:
имкониятлар ва истиқболлар**



ISBN 978-9910-9622-3-3



9 789910 962233